

Тошкент ш.

“7” июль 2022 йил

Бундан буён Буюртмачи деб юритиладиган “Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” ДУК номидан директор Д.Юсупов ва кейинги ўринларда Пудратчи деб юритиладиган “YO’L-LOYIHA BYUROSИ” МЧЖ номидан Устав асосида иш юритувчи директор в.б. **Ғ.Мухуддинов** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 29 апрелдаги 9-сонли (№05-05/1-125 29.04.2022й) баёни, Танлов комиссияси йиғилишининг 2022 йил 3 июндаги 92604-сонли баёни, тасдиқланган лойиҳа-кидирув ишлари манзили рўйхатига асосан қуйидаги шартномани туздилар:

## 1. Шартнома предмети

1.1. Пудратчи Буюртмачининг топшириғи бўйича белгиланган муддатда **4K376 "Томдibuлок қ.-Пашат қ.-Аяққудуқ қ."** автомобиль йўлининг **45-65 км қисмини мукамал таъмирлаш** объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва мазкур ҳужжатларни белгиланган тартибда Буюртмачига топшириш мажбуриятларини, Буюртмачи эса уни қабул қилиб олиш ва ҳақ тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. Бажариладиган ишлар 2022 йил “16” **май** да тасдиқланган топширикка ва соҳага оид қонун талабларига асосан амалга оширилади.

1.3. Шартнома лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишга, кидирув ишларини бажаришга, лойиҳа-смета ҳужжатларини тегишли экспертизадан ўтказиб ижобий хулоса олишга, муаллифлик назорати олиб бориш ва техник шартларни (АПЗ – Ўзбекистон Республикаси Давлат Архитектура ва Қурилиш Қўмитасининг 2017 йил 20-сентябрдаги №8688/3302-сонли хатига асосан зарур ҳолларда) тайёрлаш, объектнинг лойиҳавий таянч нуқталарини жойида боғлаш (разбивка) билан боғлиқ бошқа ишларга тузилган.

1.4. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, кидирув ишларини бажариш, ижобий экспертиза хулосасини олиш ва буюртмачига топшириш ишлари, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Республика Ғазначилигида рўйхатдан ўтган кундан бошланиб, **20** кун муддатда тугатилади (муаллифлик назорати ишларидан ташқари). Ушбу муддатларда бажарилмаган ишлар учун белгиланган тартибда пеня ҳисобланади ва ундирилади.

1.5. Пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатларига ижобий экспертиза хулосасини олгандан сўнг 15 кун ичида 3 (уч) нусхада лойиҳа-смета ҳужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

1.6. Ушбу шартномани амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабрь. Кейинги йилга ўтса қўшимча келишув имзоланади.

## 2. Шартнома баҳоси ва тўловлар қондалари

2.1. Шартноманинг баҳоси 1-иловага мувофиқ **ҚҚС билан 53 746 298** (эллик уч миллион етти юз қирқ олти минг икки юз тўқсон саккиз) сўми (шундан 2022 йил **51 058 983** (эллик бир миллион эллик саккиз минг тўққиз юз саксон уч) сўми лойиҳа ва кидирув ишларини ишлаб чиқишга, **2 687 315** (икки миллион олти юз саксон етти минг уч юз ўн беш) сўми объектда муаллифлик назорати ишларини бажариш учун ташкил қилади ва мазкур шартноманинг 2-иловасидаги лойиҳа ишларини бажариш ва молиялаштириш жадвалига мувофиқ бажарилади.

2.2. Буюртмачи шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигидан рўйхатдан ўтгандан сўнг 15 кун ичида жорий йилда бажариладиган ишлар ҳажмидан 30% миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Бажарилган ишлар учун жорий молиялаштириш Буюртмачи ва Пудратчи томонидан топшириш-қабул қилиш ва бошқа лозим ҳужжатлар, далолатномалар расмийлаштирилгандан сўнг 15 кун ичида ажратилган аванс маблағи миқдори тўлиқ ушлаб қолиниб амалга оширилади.

2.4. Лойиҳа-смета ҳужжатлари буюртмачи томонидан кўриб чиқилиб, пудратчи томонидан экспертизага тақдим этилгандан сўнг, жами ишлар ҳажмининг 70% фоиз миқдоригача тўлов учун қабул қилинади.

Объект бўйича экспертиза хулосаси олингандан сўнг ва 3 (уч) нусхада лойиҳа-смета ҳужжатлари Буюртмачига юк хати орқали тақдим этилгандан кейин қолган маблағ (муаллифлик назорати харажатларидан ташқари) топшириш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилиб, (мазкур шартноманинг 2.3-бандига асосан) молиялаштирилади.

2.5. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;  
ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

2.6. Экспертиза хулосаси олингандан сўнг шартноманинг умумий экспертиза томонидан тавсия этилган объектнинг қурилиш нархига асосланган ва буюртмачи билан келишилган ҳолда қайта кўриб чиқилиши мумкин, бунда объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлаш ишлари учун кўшимча шартнома имзоланади.

### 3. Томонлар мажбуриятлари

3.1. Буюртмачи барча ишлар бажариб бўлингандан кейин белгиланган нархнинг ҳаммасини Пудратчига тўлаши ёки ишларнинг айрим босқичлари тугалланганидан кейин нархнинг тегишли қисмини тўлаши; тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг ёки бажарилган кидирув ишларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан буюртмачига нисбатан кўзгатилган даъво аризасидан ишда қатнашишга Пудратчини жалб қилиши шарт.

3.2. Пудратчи Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқкандан сўнг, лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиб, ижобий хулоса олишни ўз зиммасига олади.

3.3. Пудратчи лойиҳа ва кидирув ишларини бажариш учун топшириқдаги ва бошқа дастлабки маълумотлардаги талабларга риоя қилиши шарт ва буюртмачининг розилиги билангина улардан четга чиқишга ҳақли. Пудратчи ишларни лойиҳалаш ҳақидаги топшириқ ва бошқа дастлабки маълумотларга мувофиқ бажариши; тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини буюртмачи билан келишиб олиши, шунингдек; тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини ва кидирув ишлари натижаларини шартномада белгиланган муддатларда буюртмачига топшириши; буюртмачининг розилигисиз лойиҳа-смета ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслиги шарт.

3.4. Пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатлари ва кидирув ишларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари ва бажарилган кидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиҳа-смета ҳужжатларида ёки кидирув ишларида камчиликлар аниқланган тақдирда Пудратчи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ зарур кўшимча кидирув ишларини бажариш, шунингдек, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, келтирилган зарарни буюртмачига тўлаши шарт.

3.5. Пудратчи Лойиҳа ва кидирув ҳужжатлари асосида объект қурилиши жараёнида муаллифлик назоратини амалга оширади.

### 4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

4.1. Бажарилган ишларни топшириш ва қабул қилиш Лойиҳа-смета ҳужжатларини бажариш топшириқ талабларига биноан белгиланади.

4.2. Ишлар бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Пудратчи Буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан ҳужжатлар тўпламини топширади.

4.3. Буюртмачи ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси ва мазкур шартноманинг 4.2 бандида кўрсатилган ҳисобот ҳужжатларини олгандан сўнг 10 кун мобайнида ишларни қабул қилиш ва Пудратчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмаслиқнинг асосланган рад жавобини юборишни ўз зиммасига олади.

4.4. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган кўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.5. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун ичида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхтатилиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролар кодексига кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

4.6. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.


4.7. Лозим топилган ҳолларда томонлар ҳолис экспертларга Лойиҳа бўйича хулоса учун мурожаат қилиши мумкин.

### 5. Конфиденциалмаълумотларни ҳимоялаш

5.1. Ишлар бажарилиши даврида Пудратчи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

### 6. Кўшимча шартлар

6.1. Пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ишларини муддатидан олдин бажарган ҳолда, Буюртмачи уни мазкур шартноманинг 4-бандига асосан қабул қилади ва тўла тўловни амалга оширади.



6.2. Ўзаро мулокат йўли билан ҳал қилинмаган муаммолар қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда ҳал қилинади. Келишувга келинмаган тақдирда тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар Тошкент туманлараро Иқтисодий судида эътироз тартибига риоя қилган ҳолда, кўриб чиқилади. Эътирозлар ёзма равишда тақдим қилиниши керак ва уларни кўриб чиқиш муддати эътироз билдирилган томон олганидан кейин 1 (бир) ой муддатни ташкил этади.

6.3. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равишда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин. Шартномани бажаришдан бир тарафлама бош тортиш, шартномани бир тарафлама бекор қилиш мумкин эмас.

6.4. Пудратчи шартномада кўрсатилган ишларни бажариш учун, Буюртмачини ёзма равишда маълум қилган ҳолда, учинчи шахсларни ўрнатилган тартибда жалб қилиш ҳуқуқига эга.

6.5. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ўз вақтида ўтказилмаган ҳолда кечиктирилганда ишларни тугаллаш муддати тўлов кечиктирилган вақтга қадар узайтирилади.

6.6. Буюртмачи томонидан топшириш-қабул қилиш ва бошқа лозим ҳужжатлар, далолатномалар расмийлаштирилгандан сўнг тўловлар билан боғлиқ ўз мажбуриятлари кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдоридан пеня тўланади, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим, бунда Буюртмачига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бундан мустасно.

6.7. Пудратчи томонидан лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ва буюртмачига топшириш ўз вақтида бажарилмай мажбуриятлар бузилган бўлса, Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

6.8. Тўланган пеня ёки жарималар томонларни ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

6.9. Ушбу шартнома ўзбек тилида икки нусхада тузилди.

6.10. Мазкур шартнома томонлар ўз мажбуриятларини тўлик бажаргунча қадар амал қилади.

6.11. Шартномага қуйидагилар илова қилинади:

- Шартнома баҳосининг келишуви баённомаси (1-илова)
- Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишни бажариш ва молиялаштириш жадвали (2-илова)

## 7. Томонларнинг манзили ва ҳисоб рақамлари

### “Буюртмачи”

“Умумий фойдаланишдаги автомобил  
йўллари қуриш ва реконструкция қилиш  
дирекцияси” ДУК

100000. Тошкент шаҳри,  
Мустақиллик шох кўчаси 68-уй.  
Тел: (71) 237-32-04  
х/р: 3045 1086 0262 6970 45 113 118 059  
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги  
Ғазначилиги Амалиёт бошқармаси  
х/р: 2340 2000 3001 0000 1010  
МФО: 00014 ИНН: 304 803666  
МБ Тошкент шаҳар бўйича ББ ХКМ

  
Директор  Д.Юсунов

### “Пудратчи”

“YO'L-LOYIHA BYUROS'I” МЧЖ

Тошкент шаҳар,  
Мустақиллик шох кўчаси, 68-уй,  
Тел: 237-38-55, 237-36-69  
Х/р: 20208000804010941001  
АТИБ “Ипотека-банк”  
Яшнобод бўлими  
МФО: 00959  
ИНН: 300 112 785  
ОКОНХ: 66000, ОКЭД: 71110

  
Директор в.б.  Ғ.Мухудимов



2022 йил "7" 06 даги  
1376 -сонли шартномага 1-илова

## Шартнома баҳосининг келишув

### БАЁННОМАСИ

Биз, қуйида имзо чекувчилар 4К376 "Томдйбулоқ қ.-Пашат қ.-Аякқудуқ қ." автомобиль йўлининг 45-65 км қисмини мукамал таъмирлаш объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича 2022 йил "7" 06 даги 1376 -сонли шартнома баҳоси жами ҚҚС билан 53 746 298 (эллиқ уч миллион етти юз қирик олти минг икки юз туксон саккиз) сўмга тенг деб келишилганини тасдиқлаймиз.

Ушбу баённома Буюртмачи ва Пудратчи ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

#### "Буюртмачи"

"Умумий фойдаланишдаги автомобил йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси" ДУК

100000.Тошкент шаҳри,

Мустақиллик шоҳ кўчаси 68-уй.

Тел: (71) 237-32-04

х/р: 3045 1086 0262 6970 45 113 118 059

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

Газначилиги Амалиёт бошқармаси

х/р: 2340 2000 3001 0000 1010

МФО: 00014 ИНН: 304 803666

МБ Тошкент шаҳар бўйича ББ ХКМ

  
Директор Д.Юсупов

#### "Пудратчи"

"YO'L-LOYIHA BYUROSИ" МЧЖ

Тошкент шаҳар,

Мустақиллик шоҳ кўчаси, 68-уй.

Тел: 237-38-55, 237-36-69

Х/р: 20208000804010941001

АТИБ "Ипотека-банк"

Яшнобод бўлими

МФО: 00959

ИНН: 300 112 785

ОКОНХ: 66000, ОКЭД: 71110

  
Директор в.б. Ф.Мухудинов



1376 2022 йил " 7 " 06 даги  
-сонли шартномага 2- илова

4K376 "Томдибулоқ қ.-Пашат қ.-Аякқудуқ қ." автомобиль йўлининг 45-65 км қисмини мукаммал таъмирлаш объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш

**БАЖАРИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ**

№	Бажариладиган ишларнинг номи	Қиймати	Бажариш (Шартноманинг 1.4 банди асосида)		Молиялаштириш (Шартноманинг 2.3 банди асосида)	
			2022 йил	2023 йил	2022 йил	2023 йил
	Аванс маблағи				15 317,695	
1	Топография ва геология ишлари, диагностика ишлари, Атроф муҳитга таъсир баёни (ЗВОС), Лойиҳа-смета ишлари, Экспертиза харажатлари	51 058,983	51 058,983		35 741,288	
2	Муаллифлик назорати	2 687,315		2 687,315		2 687,315
	<b>Жами ҚҚС билан:</b>	<b>53 746,298</b>	<b>51 058,983</b>	<b>2 687,315</b>	<b>51 058,983</b>	<b>2 687,315</b>



Handwritten blue ink signatures at the bottom left of the page.

Ишчи лойиҳа - смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва (ёки) қидирув ишларини бажариш шартнома лойиҳаси бўйича

## ЮРИДИК ХУЛОСА

*(Ўзбекистон Республикаси "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуннинг 21-моддасига мувофиқ)*

2022 йил 7 июнь

Тошкент

“Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини куриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” ДУК (Кейинги ўринларда – Буюртмачи деб юритилади) ва “YO'L-LOYIHA BYUROSИ” МЧЖ(Кейинги ўринларда – Пудратчи деб юритилади) ўртасидаги 4К376 “Томдибулоқ қ.- Пашат қ.-Аяққудуқ қ.” автомобиль йўлининг 45-65 км. қисмини мукамал таъмирлаш объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳақидаги шартнома лойиҳаси (Кейинги ўринларда – Шартнома деб юритилади)ни Буюртмачининг Юридик хизмати ҳуқуқий экспертизадан ўтказди.

Ҳуқуқий экспертиза натижасида қуйидагилар аниқланди:

Шартномада кўрсатилган муносабатлар Ўзбекистон Республикаси "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, шу жумладан кодекснинг 37-боб талаблари ҳамда бошқа Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан тартибга солинади. Шартномадан келиб чиқадиган ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун тарафларнинг жавобгарлик меъёри Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 24-боб талабларига мувофиқ келади.

Шартнома Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 29 апрелдаги 9-сонли (29.04.2022 йилдаги 05-05/1-125-сонли) йиғилиш баёни, Тендер комиссияси йиғилишининг 2022 йил 3 июндаги 92604-сонли баенига асосан тузилган.

Мазкур хулоса Шартнома лойиҳаси шартларининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига жавоб бериши хусусида берилди.

Бош юрисконсулт



Ш.Батиров

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
Танлов комиссияси раиси  
“Умумий фойдаланишдаги  
автомобиль йўллари қуриш ва  
реконструкция қилиш дирекцияси” ДУК  
бош муҳандиси



Д. Исаев

**“Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” ДУКнинг товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи танлов комиссияси йиғилишининг**

**92604/1 - сонли баёни**

Тошкент ш.

“ 7 ” июнь 2022й.

Комиссия раиси: Д.Исаев

Комиссия аъзолари: Д.Исаев, Э.Исмаилов, Х.Маҳкамов, С.Маннонов,  
У.Қўнишев, Ф.Зоҳидов, К.Омонов

Комиссия котиби: А.Эсонов

(Дирекциянинг 2021 йил 16 ноябрдаги Танлов комиссиясини ташкил қилиш бўйича 112-Б-сонли буйруғи)

**Кун тартиби:**

**1. 4К376 "Томдибулоқ қ.-Пашат қ.-Аяққудуқ қ." автомобиль йўлининг 45-65 км қисмини мукамал таъмирлаш объектини лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун шартнома имзолаш.**

Кун тартибидаги масала юзасидан комиссия аъзоси Ф.Зоҳидов маълумот берди.

Дирекциянинг танлов комиссияси йиғилишининг 2022 йил 3 июндаги Лот №92604-сонли баёнига асосан **4К376 "Томдибулоқ қ.-Пашат қ.-Аяққудуқ қ." автомобиль йўлининг 45-65 км қисмини мукамал таъмирлаш объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун 2022 йил 25 майдаги Лот №92604 лот номер орқали эълон қилинган энг яхши таклифларни танлашда "Йўл-лойиҳа бюроси" МЧЖ энг яхши таклифларни танлаш ғолиби деб эълон қилинди ҳамда энг яхши таклифларни танлаш натижалари Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги "Давлат харидлари тўғрисида"ги 684-сонли қонунининг 62-моддасида белгиланган тартибда баённома ғолиб аниқланган кундан бошлаб давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди ва икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади.**

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги "Давлат харидлари тўғрисида"ги 684-сонли қонунига асосан, **4К376 "Томдибулоқ қ.-Пашат қ.-Аяққудуқ қ." автомобиль йўлининг 45-65 км қисмини мукамал таъмирлаш** объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун **"Йўл-лойиҳа бюроси" МЧЖ** билан шартнома тузиш таклифи берилди.

### ҚАРОР ҚИЛДИ:

**4К376 "Томдибулоқ қ.-Пашат қ.-Аяққудуқ қ." автомобиль йўлининг 45-65 км қисмини мукамал таъмирлаш** лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун **"Йўл-лойиҳа бюроси" МЧЖ** билан белгиланган тартибда шартнома имзолансин.

Баённи ёзиб борувчи  
комиссия котиб



А.Эсонов


### Комиссия азолари:

Директор ўринбосари




Э.Исмаилов

Қурилиш ва реконструкция қилиш  
бўлими бошлиғи



Х.Маҳкамов

Техник кузатув ва бажарилган  
ишларни қабул қилиш бўлими  
бошлиғи



С.Маннонов

Шартномалар ва танлов савдоларини  
ташкил этиш бўлими бошлиғи



У.Қўнишев

Лойиҳавий таъминлаш бўлими  
бошлиғи



Ғ.Зоҳидов

Етакчи юрисконсулт



К.Омонов





ИМНА бўлими

2022 йил



А.Хайдаров

16.06 2022 йил

давлат бюджети маблағлари ҳисобидан умумий фойдаланувдаги автомобиль йўллари мукамал таъмирлаш объектларининг лойиҳа-қидирув ишлари бўйича 2022 йил 6 июнь ҳолатига

МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ

(м.ш сўм)

№	Лойиҳалаштирилган объект номи ва манзили	Лойиҳалаштирилган объект қувағи (мос қийматлари)	Қурилув ишлари бошланғич йили	Қурилувнинг ҳисобланган умумий қиймати	Лойиҳа босқичи ДТИА, ТТИА, ДТНХ, ТНХ, ИЛ, ИХ, ТХ	ЛКНнинг объектлар бўйича қиймати	2022 йил 1 январь ҳолатига бажарилган ЛКН	2022 йил 1 январь ҳолатига ЛКНнинг қолдиқ қиймати	2022 йилда кутилётган ЛКН	ЛСХ лариши буюртмачига топшириш, буюртмачи томонидан тасдиқланган муҳлатлари	Лойиҳалаштириш учун асос (ВМ) келтирилган, Фармойишлари, топшириқлари ва ҳ.к.)	Лойиҳа институт номи
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
4	Қорақалпоғистон Респуб.ликиси			1 064 511,3		25 978,9	20 343,1	5 635,8	3 239,8			
1	Қорақалпоғистон Республикасидаги маҳаллий аҳамиятта эга бўлган автомобиль йўллари тўла таъмирлаш Техник иқтисодий ҳисоб (ТИХ) лойиҳасини ишлаб чиқиш	414,1 км	2021-2022	1 033 644,6	ТИА ИХ	25 461,6	20 333,6	5 127,9	2 500,0	2018-2022 йил	ИК-2776/4-02/17я РА1-2358/4-02/2020я ЎзР ВМнинг 2017 йил 15 августдаги №24/1-1744-сонли топшириғи, ЎзР ВМ расасининг 2021 йил 8 сентябрдаги 130-сонли баени	"Йўл лойиҳа бюроси" МЧЖ
2	Элликқалъа ТИФУК га қарашли асфальтобетон таволини (газлаштириш, электрлаштириш ва ишга тушириш билан боғлиқ бошқа ишлар) тўла таъмирлаш	объект	2020-2022	200,0	ИЛ	10,0	9,5	0,5	8,6	2020 йил	ЎзР ВМнинг 2020 йил 11 апрелдаги №05/1-2471-сонли баени, Дирекциянинг 03.09.2020й даги №28-сонли баени	"Жайхунжолжойбар" МЧЖ
	8,1											
3	4Н110 "Мўйнок шаҳари-Орол денгизи пристани" автомобиль йўлининг 0-5 км қисмини мукамал таъмирлаш	5 км	2022-2024	19 166,7	ИЛ	431,3		431,3	431,3	2022 йил	ЎзР ВМнинг 2022 йил 29 апрелдаги 9 (№05-05/1-125 29 04 2022я)-сонли баени. Таълов комиссияси й-шининг 2022 йил 3 июндаги 92512-сонли баени	"Йўл лойиҳа бюроси" МЧЖ

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
4	4Н86 "4P173 автоўли (76 км)-Шеге овули-Порлитоғ овули-Қозоқдарё овули" автомобиль йўлининг 9-24 км (1-босқич 9-12 км) қисмини мукамал таъмирлаш	3 км	2022-2023	11 500,0	ИЛ	300,0		300,0	300,0	2022 йил	ЎзР ВМнинг 2022 йил 29 апрелдаги 9 (№05-05/1-125 29 04 2022й)-сонли баени, Танлов комиссияси й-шининг 2022 йил 3 июндаги 92545-сонли баени	"Oqavtojlojybar" МЧЖ
1	Анджон вилояти			20 119,6		452,7		452,7	452,7			
1	4P129 "Чинобод ш.-Ўрмонбек қ.-Сариксув қ." автомобиль йўлининг 15-18 км қисмини мукамал таъмирлаш	3 км	2022-2023	20 119,6	ИЛ	452,7		452,7	452,7	2022 йил	ЎзР ВМнинг 2022 йил 29 апрелдаги 9 (№05-05/1-125 29 04 2022й)-сонли баени, Танлов комиссияси й-шининг 2022 йил 3 июндаги 92558-сонли баени	"Йўл лойиҳа бюроси" МЧЖ
1	Бухоро вилояти			10 283,3		53,7		53,7	53,7			
1	4K212 "Ромитан ш.-Харгуш қ.-Хайробод қ." автомобиль йўлининг 9-19 км (1-босқич, 9-12 км) қисмини мукамал таъмирлаш	3 км	2022-2023	10 283,3	ИЛ	53,7		53,7	53,7	2022 йил	ЎзР ВМнинг 2022 йил 29 апрелдаги 9 (№05-05/1-125 29 04 2022й)-сонли баени, Танлов комиссияси й-шининг 2022 йил 3 июндаги 92583-сонли баени	"Buxoro Geo Road proekt group" МЧЖ
1	Жиззах вилояти			27 000,0		583,2		583,2	583,2			
1	4K258 "Зомин шаҳарчасини айланиш автоўли" автомобиль йўлининг 0-6 км қисмини мукамал таъмирлаш	6 км	2022-2024	27 000,0	ИЛ	583,2		583,2	583,2	2022 йил	ЎзР ВМнинг 2022 йил 29 апрелдаги 9 (№05-05/1-125 29 04 2022й)-сонли баени, Танлов комиссияси й-шининг 2022 йил 3 июндаги 92668-сонли баени	"Ўйўллойиҳа" ЛКИ ДУК
3	Қашқадарё вилояти			34 400,0		491,1	274,6	216,6	200,5			
1	4K348 "Бешкенг айланма автоўли" автомобиль йўлининг 0-3 км қисмини мукамал таъмирлаш	3,8 км	2022-2023	27 600,0	ИЛ	321,1	274,6	46,6	30,5	2022 йил	ЎзР ВМнинг 2020 йил 27 августдаги 519-сонли қарори, ЎзР ВМ Раёсати Мажлисининг 2021 йил 11 августдаги 118-сонли баени, Танлов комиссияси й-шининг 2021 йил 26 октябрдаги 242/1-сонли баени	"Йўл лойиҳа бюроси" МЧЖ

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
2	M39 "Алматы-Бишкек-Тошкент-Шахрисабз-Гермет" автомобиль йўлининг 1157 км даги Қашқадарё дарёси устидан ўтган кўприкни мукамал таъмирлаш	84 км	2022	5 600,0	ИЛ	140,0		140,0	140,0	2022 йил	ЎзР Президентинг 2022 йил 21-22 апрелдаги Қашқадарё вилоятига таширфи 35-сонли (28.04.2022й. №02-РА1-6569) баени, Ўз Респ. ВМ нинг 2022 йил 23 майдаги № 05-05/1-1024 (1)-сонли баени	"Йўл лойиҳа бюроси" МЧЖ
3	4P86 "Лангар қ.-Майданак қ." автомобиль йўлининг 30 км даги Лангардарё кўпригини мукамал таъмирлаш	30 км	2022	1 200,0	ИЛ	30,0		30,0	30,0	2022 йил	ЎзР Президентинг 2022 йил 21-22 апрелдаги Қашқадарё вилоятига таширфи 35-сонли (28.04.2022й. №02-РА1-6569) баени, Ўз Респ. ВМ нинг 2022 йил 23 майдаги № 05-05/1-1024 (1)-сонли баени	"Қашқадарё ҚЛҚС" ЖК
1	<b>Навоий вилояти</b>			<b>10 296,2</b>		<b>53,7</b>		<b>53,7</b>	<b>53,7</b>			
1	4K376 "Томдйбулок қ.-Пашат қ.-Аяккудук қ." автомобиль йўлининг 45-65 км қисмини мукамал таъмирлаш	20 км	2021-2022	10 296,2	ИЛ	53,7		53,7	53,7	2022 йил	ЎзР ВМнинг 2022 йил 29 апрелдаги 9 (№05-05/1-125 29.04 2022й)-сонли баени, Таълов комиссияси й-шининг 2022 йил 3 июлдаги 92604-сонли баени	"Йўл лойиҳа бюроси" МЧЖ
1	<b>Наманган вилояти</b>			<b>66 431,3</b>		<b>162,1</b>		<b>162,1</b>	<b>162,1</b>			
1	4P117 "Тўрақўрғон ш. - Наманган ш. - Чортоқ ш. - Кесканёр қ. - Сассиксой қ. - M41 автойўли" автомобиль йўлининг 22-29 км қисмини мукамал таъмирлаш	7 км	2022-2023	66 431,3	ИЛ	162,1		162,1	162,1	2022 йил	ЎзР ВМнинг 2022 йил 29 апрелдаги 9 (№05-05/1-125 29.04 2022й)-сонли баени	Таълов
1	<b>Сурхондарё вилояти</b>			<b>27 000,0</b>		<b>583,2</b>		<b>583,2</b>	<b>583,2</b>			
1	4P110 "Шеробод ш.-Пашхурт қ.-Оқтоғи қ. - Музработ қ." автомобиль йўлининг 90-96 км қисмини мукамал таъмирлаш	6 км	2022-2023	27 000,0	ИЛ	583,2		583,2	583,2	2022 йил	ЎзР ВМнинг 2022 йил 29 апрелдаги 9 (№05-05/1-125 29.04 2022й)-сонли баени, Таълов комиссияси й-шининг 2022 йил 3 июлдаги 93722-сонли баени	"Йўл лойиҳа бюроси" МЧЖ
1	<b>Тошкент вилояти</b>			<b>776 885,4</b>		<b>9 500,0</b>		<b>9 500,0</b>	<b>2 000,0</b>			
1	Тошкент вилоятидаги умумий фойдаланишда бўлган маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўлларини тула таъмирлаш	239 км	2021-2022	776 885,4	ИХ	9 500,0		9 500,0	2 000,0	2021-2022 йил	ЎзР ВМ раёсатининг 2021 йил 8 сентябрдаги 130-сонли баени ва 2021 йил 21 сентябрдаги 591-сонли қарори	"Ўзйўллойиҳа" ЛКН ДУК

I	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
1	Хоразм вилояти			916 534,9		20 126,5	15 394,5	4 732,0	2 500,0			
1	Хоразм вилоятидаги маҳаллий аҳамиятга эга бўлган автомобиль йўлларини тўла таъмирлаш Техник иктисодий ҳисоб (ТИХ) лойиҳасини ишлаб чиқиш	233,5 км	2021-2022	916 534,9	ТИА, ИХ	20 126,5	15 394,5	4 732,0	2 500,0	2018-2022 йил	ПҚ-2776 14.02.17й. РА1-2358 10.02.2020й.. ЎзР ВМнинг 2017 йил 15 августдаги №24/1-1744 - сонли топшириғи, ЎзР ВМ раёсатининг 2021 йил 8 сентябрдаги 130-сонли баёни	"Йўл лойиҳа бюроси" МЧЖ
15	Жами, шу жумладан:			2 953 462,0		58 209,0	36 012,2	22 196,8	9 828,9			
	ҚМИ дан олинган қисми								2 828,9			
	ЛҚИ дан олинган қисми								7 000,0			
	Ҳаммаси:			2 953 462,0		58 209,0	36 012,2	22 196,8	9 828,9			

"КИРИТИЛДИ"  
"Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси" ДУК  
директори

Д.Юсупов

"16" 06 2022 йил



Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари қўмитаси  
бошқармаси

Р.Худойназаров

"16" 06 2022 йил

"КЕЛИШИЛДИ"  
Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги, давлат ривожланиш дастурларини  
молиявий тартибга солиш Департаменти директори

С.Садуллаев

"16" 06 2022 йил